

Commonwealth

COMUNIDAD

# СОДРУЖЕСТВО ЯЗЫКОВ


Ҳамдўстлик



# СОДРУЖЕСТВО КУЛЬТУР

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СБОРНИК  
НАУЧНЫХ СТАТЕЙ

تعاونية



**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**СОДРУЖЕСТВО ЯЗЫКОВ**



**СОДРУЖЕСТВО КУЛЬТУР**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ СБОРНИК НАУЧНЫХ СТАТЕЙ**

Совместный проект Наманганского государственного университета  
и Российского государственного педагогического университета  
им. А. И. Герцена

**ПЕРВЫЙ ВЫПУСК**

Тошкент – 2020

**Ответственный редактор:** Тургунов С.Т., д.п.н., профессор,  
ректор Наманганского госуниверситета  
(Узбекистан).

**Зам. отв. редактора:** Кодирхонов М.Р., проректор Наманганского  
госуниверситета, к.х.н., доцент (Узбекистан).

**Составитель:** Носиров К.Н.

#### **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Аркадьева Т.Г.**, заведующий кафедрой русского языка как иностранного  
РГПУ им. А.И. Герцена, д.ф. н., профессор, (Россия);  
**Васильева М.И.**, декан факультета русского языка как иностранного РГПУ им.  
А.И. Герцена, к.п.н., доцент (Россия);  
**Николаенко С. В.**, декан филологического факультета ВГУ имени П.М. Машерова,  
д.п.н., доцент (Беларусь);  
**Улуков Н.**, д.ф.н., профессор Наманганского госуниверситета (Узбекистан);  
**Сабирова В.К.**, профессор Ошского госуниверситета (Кыргызстан);  
**Носиров К.**, к.п.н., профессор Наманганского госуниверситета (Узбекистан);  
**Габдулхаков Ф.А.**, к.п.н., профессор Наманганского госуниверситета (Узбекистан);  
**Сулаймонов М.**, к.ф.н., доцент Наманганского госуниверситета (Узбекистан);  
**Садыков З.**, к.ф.н., доцент Наманганского госуниверситета (Узбекистан);  
**Жалалов Ш.**, ст. пр. Наманганского госуниверситета (Узбекистан);  
**Юсупов М.Р.**, ст. пр. Наманганского госуниверситета (Узбекистан).

**Рецензенты:** Сайдалиев С.С., к.п.н., профессор Наманганского  
госуниверситета (Узбекистан).  
А.Абдулазизов, к.с.н., доцент Наманганского госуниверситета  
(Узбекистан).

В настоящий сборник включены статьи специалистов из ряда вузов Узбекистана, России, США, Беларуси, Кыргызстана, Азербайджана и Польши. Они посвящены актуальным социально-психологическим, лингвистическим, литературоведческим, переводоведческим, педагогическим проблемам межкультурной коммуникации.

Сборник рекомендован к изданию решением научно-технического Совета Наманганского госуниверситета от 11.05.2020 года (протокол № 5).

Ответственность за содержание статей несут авторы.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Орехова, Ю.С. Анималистическая литература Франции: традиции и их трансформация в творчестве С.Г.Коллет. Автореф. дисс. канд.филол. наук. – Калининград: 2008.

2. La Fontaine. Fables choisies. Livres 1 a 6. – Paris: Nouveaux classiques Larousse, 1998.

## ДИЙНАВАРИЙНИНГ “КИТОБ АЛ-АХБОР АЛ-ТАВОЛ” АСАРИДА ЖАМШИД МАВЗУСИ

*Джабборова М.Р.,*

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси.  
(Ўзбекистон)*

Тарихчи олим Абу Ҳанифа Аҳмад Довуд Дийнаварийнинг “*كتاب الاخبار الطوال*” – “Китоб ал-ахбор ал-тавол” асарида пайғамбар ва подшоҳлар ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб Одам аллайҳиссаломнинг яратилиши воқеаси билан бошланиб, сўнг унинг ўғли Нух пайғамбар ва унинг авлодлари тилга олинади. Дийнаварий шоҳ Жамшидни Нух пайғамбарнинг ўғли Сомнинг наслидан эканлигини қайд этади:

*وقام بالأمر بعده ابنه صالح فلما حضرته الوفاة أسند الأمر إلى ابن أخيه جهم ابن ويونجهان ابن أرفخشذ فثبت أساس الملك ووطر أركانها بني معالمة واتخذ يوم النيروز عيداً*

(Жамшид Сомнинг Арфахшаз деган ўғлининг Юнжаҳон отлик фарзандининг зурриётидир). [1,3]

Асарнинг миллат ва тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги лавҳасида Жамшид қаҳрамони қуйидагича талқин этилади: “Нух алайҳиссаломнинг болалари бир хил тилда, суриён тилида гаплашишар эди. Бир куни улар уйқудан уйғонишса, барчаси турлича гапираётган эмиш ва бир-бирини тушунмас эмиш. Шундан сўнг, улар уйдан чиқиб кетишиб, турли мамлакатларда қарор топишибди ва кўпайишибди. Сомнинг авлоди Жамшид эса ушбу мамлакатда, яъни Бобилда қолибди ва мамлакат подшоҳлигига асос солибди”. [1,3]

Демак, асардаги Жамшиднинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар бошқа манбалардаги қайдлардан бирмунча фарқ қилади, Жамшид “Авесто”да Вайвангхоннинг ўғли сифатида

тасвирланса, Дийнаварийда у бевосита Нух пайғамбарнинг авлоди сифатида келтирилган. Кейинги даврларда яратилган Фирдавсий, Саолибий, Табарий, Беруний ва, ҳатто, Навоийнинг асарларида ҳам Жамшид Каюмарс одамнинг авлоди сифатида зикр этилган. Бироқ ўзбек халқ китоби “Қиссаи Жамшид”да шоҳ Жамшиднинг келиб чиқиши Нух пайғамбарга бориб тақалади. Демак, Жамшиднинг Нух пайғамбарнинг авлоди сифатида тасвирланиши илк марта Дийнаварийдан бошланган ва бу тасвир “Қиссаи Жамшид”га кўчган. Шунингдек, “Китоб ал-ахбор ал-тавол”да ҳам бошқа манбалар каби Наврўз байрамининг жорий этилиши Жамшид номига боғланади. Асарда Жамшид ҳақидаги маълумотлар жуда қисқа баён этилган.

Дийнаварий “Китоб ал-ахбор ал-тавол” асарида “Жамшид аслида Сулаймон пайғамбар” деган хато қарашга ўз муносабатини билдириб, бунинг нотўғри эканлигини айтиб ўтади. “Айрим билимсиз форсларнинг ишонишларича, Жамшид аслида Сулаймон ибн Довуд эмиш. Лекин бу нотўғри фараз, чунки Жамшид ва Сулаймоннинг яшаш даврининг оралиғи уч минг йилдир”. [2,46]

Бу каби фикрларнинг берилишига баъзи манбалардаги Жамшид ва Сулаймон образларини бирлаштиришга оид тахминлар сабаб бўлган. Масалан рус олими В.Огудин Жамшид ва Сулаймон образларининг ўзаро яқинлигини қомусий олимларнинг асарлари асосида исботлашга ҳаракат қилади: “Жамшид ва Сулаймон образларининг ўзаро яқинлиги тўғрисида бир-биридан беҳабар ҳолда Ибн Сино ва Берунийлар маълумот беришган. Ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида Райҳони Сулаймон ўсимлиги бу Жамиспарам деб аталувчи ўсимликнинг ўзи, дейилган. Шу сабабли халқ орасида Жам ва Сулаймон бир одам деган тасаввурлар мавжуд. Шунингдек, Берунийнинг “Фармакогнозия” асарида ҳам Жамиспарам – бу ўсимликнинг бир тури бўлиб, уни Жам номи билан боғлашади, деб айтилган. Шунинг учун айрим форслар уни Райҳони Сулаймон деб аташган”. [3,167] Тадқиқотчи шу каби мисолларга таянган ҳолда бу икки образ бир шахс бўлиши мумкин, деган хулосага келади. Бироқ, бизнинг назаримизда, бу мисоллар Жамшид ва Сулаймон “аслида бир шахс” дейиш учун асос бўла олмайди ва Дийнаварий таъкидлаганидек, бу умуман мантиққа тўғри келмайдиган фароздир.

“Китоб ал-ахбор ал-тавол” асаридаги воқеаларнинг кейинги ривожини “Авесто”даги сюжет билан деярли бир хил, “фарқли жиҳати

Дийнаварий ал-Дахҳак (Заҳҳок – М.Ж.) образини мураккаб характерда талқин этади. Уни ёвуз образми ёки ижобий қаҳрамонми, бир қарашда ажратиш қийин. Унда ижобий образнинг аста-секин ўта ёвузлашув жараёни кўзга ташланади”. [2,49]

Дийнаварийда ҳам Жамшиднинг қотили сифатида Заҳҳок тасвирланади. Бироқ муаллиф ушбу қаҳрамонни ҳам Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сомнинг авлоди сифатида талқин этади. Асарда унинг шажараси қуйидагича келтирилади: Сом → Арам → Од → Амлик → Шаддод → Заҳҳок. [1,7]

Дийнаварий Заҳҳокнинг асли Яманлик эканлигини, уни Ажамликлар “Биоварасф” деб аташини таъкидлайди. “Китоб ал-ахбор ал-тавол”да Заҳҳок дастлаб ҳар жиҳатдан ибратли шахзода сифатида тасвирланади. Бироқ бир куни у Иблиснинг сўзига кириб, сеҳрланган суратга қарайди ва унинг елкасидан илон ўсиб чиқади. Шундан сўнг унда ёвузлик иллатлари ривожланади. Заҳҳок одамларни ўлдириб, елкасидан ўсиб чиққан илонларига едиради. Заҳҳокда бадфеъллик аломатлари пайдо бўлгач, босқинчилик билан шуғулланади. Хусусан, Бобилни босиб олиш учун Жамшиднинг изига тушади.

Заҳҳок образи “Авесто”да уч бошли аждаҳо тарзида тасвирланади, Жамшиднинг қотили эса Спитйура эканлиги қайд этилган. Кўринадикки, “Авесто”даги ёвузлик тимсоллари бўлган Заҳҳок ва Спитйура Дийнаварий даврига келиб бир образга айланган. Шунингдек, анъанавий сюжетдаги подшоҳ Жамшиднинг хукмронликни йўқотиши, одамларнинг Заҳҳок томонига ўтиб кетиши ва унинг ўлимнинг Заҳҳок номи билан боғланиши каби лавҳалар асарга Дийнаварий томонидан киритилади. Мавзур киритма Жамшид образи ҳақида кейинги даврларда яратилган асарларда ҳам акс этади. Хусусан, тадқиқотчи олим Г.Дабири мавзур лавҳаларни араб халқига оид тарих китобларида, хусусан, Ваҳб ибн Мунаббих ва ибн Калби асарларида сақланиб қолганлигини таъкидлайди: “Жамшид юзининг қора бўлиши, яъни Жамшид такаббурликка берилиб, разолатга юз тутиши ва Заҳҳок томонидан унинг тахти тортиб олиниши ҳақидаги воқеалар ахлоқий ҳикоятлар тарзида юзага келади ва нақл қилинади”. [2,50] Кейинчалик унутилаётган ушбу сюжет муайян вақт ўтгач,

“Шоҳнома”да қайта яратилади ва сюжет чизиғида мустаҳкам ўрин эгаллайди. “Китоб ал-ахбор ал-тавол”да Жамшиднинг набираси Нимруз Заҳҳокни маҳв этиб, отасининг салтанатини қайта қўлга киритгани баён этилади.

Дийнаварийнинг асарида Жамшид ҳақида жуда қисқа маълумот берилган. Унинг яратувчилик фазилатлари, бунёдкорлик ишлари умуман тилга олинмайди; анъанавий образга хос бўлган ижобий ва салбий хислатлар деярли ёритилмайди. Муаллиф Жамшид қаҳрамониغا деярли ўзгартириш киритмайди. Бироқ муаллиф Жамшид, Заҳҳок, Фаридун каби мифологик образларнинг “Авесто”даги хусусиятларини сақлаган ҳолда уларни тарихий-бадий ҳикоят қаҳрамониغا айлантиради. Айниқса Жамшиднинг пайғамбарлар авлоди сифатида келтирилиши уни тарихий образга янада яқинлаштиради.

Асарда воқеалар изчиллиги таъминланган; Жамшиднинг тахтдан тушиб, ўрнига Заҳҳокнинг ҳукмронликни қўлга олиши, Заҳҳокнинг мураккаб характер талқини ва охир-оқибат, эзгуликнинг тантана қилиши каби воқеалар ўта жонли ва қизиқарли баён этилган. Жамшид тимсоли шу тарзда афсонавий мифологик образдан тарихий-бадий асар қаҳрамониغا айланган.

Демак, Дийнаварий Жамшидни ер юзининг адолатли ҳукмдори ва пайғамбар авлодидан чиққан биринчи подшоҳ тарзида зикр этади. Шоҳ Жамшиднинг Нуҳ пайғамбар зурриёди сифатидаги талқини эса ўзбек адабиётидаги Жамшид қиссасига ҳам ўзлашиб, ушбу сюжетнинг яратилишида асос бўлган.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ۱۹۱۱. كتاب الاخبار الطوال. أبو حنيفة الدينوري. ЎЗР ФА ШИ 17049-инвентар рақамли тошбосма.
2. Ghazzal Dabiri. The Origins and Development of Persian Epics. A dissertation submitted in partial satisfaction of therequirements for the degree Doctor of Philosophyin Near Eastern Languages and CulturesUniversity ofCalifornia, – Los Angeles, 2007.
3. Огудин, В. Природные места поклонения в религиозных представлениях современного населения Ферганы. Дисс. докт. ист. н. – Москва: 2003.

источник лингвострановедческой информации о Беларуси.....	398
8. Сулайманов М. Хофиз Хоразми и Алишер Навои.....	402
9. Носиров К. Узбекские мотивы в стихах русского поэта.....	407
10. Крикливец Е. В. Повесть в контексте жанрово-стилевой динамики русской и белорусской прозы второй половины XX века.....	413
11. Носиров К., Рустамжанова М. О своеобразии сонетов А.С.Пушкина.....	418
12. Гайбуллаева З.П. Типология образных структур в творчестве Н.В.Гоголя.....	423
13. Носиров К., Усманова С. Внимание к неточной рифме.....	426
14. Хайитов М.М. Лексические составляющие образа Родины в лирике Сергея Есенина и Мухаммада Юсуфа.....	429
15. Акрамова Э.И., Абдуазизова К. Тайное и мистическое в романе М. Булгакова «Мастер и Маргарита».....	434
16. Нарзуллаева Н.А., Носирова Р. Чувство Родины в поэзии С.Есенина.....	437
17. Сулайманов М. Хофиз Хоразми и шахматы.....	442
18. Собирова М. Китобхонлик маданиятини ривожлантиришда оиланинг ўрни.....	445
19. Тожибоев И., Олимова М. Тўртликлардаги хикматлар поэтикаси хусусида (“Девони луғотит-турк” асари мисолида).....	450
20. Eshmo`minova V. Rus adabiyotining bolalar dunyoqarashini shakllantirishdagi o`rni.....	454
21. Акрамова Ф.Н. “Тристан ва Изольда” романи бадиияти.....	457
22. Акрамова Ф.Н., Шодмонова Ф.И. Француз масалларининг лингвистик таҳлили.....	461
23. Джабборова М.Р. Дийнаварийнинг “Китоб ал-ахбор ал-тавол” асарида Жамшид мавзуси.....	464
24. Исманова М.М. Сказка о материнской любви.....	468
25. Boltayeva G.A. Tasavvuf olamiga yana bir nazar.....	472

<b>IV. ПЕРЕВОД И ПРОБЛЕМЫ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ.....</b>	<b>482</b>
1. Алиева Р.В. Воссоздание идиом и фразеологизмов при трансляции иноязычного текста.....	482
2. Filimonova L.Y. Modern society development with cognitive basis of translation.....	481
3. Молдожанов О.А. Реализация прагматической функции языка при переводе названий фильмов с английского на русский.....	485
4. Носиров К. К переводу поэмы Абая “Масгут”.....	488
5. Садыков З. Я. «Кутадгу билиг» в интерпретации западных учёных.....	497
6. Сидиков Қ.А. Қадимги туркий адабиётда афоризмлар ва уларнинг таржимаси хусусида.....	499